

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТҮЙЧИЕВ ФУРҚАТ НУМОНОВИЧ

**КАТТА НИСБАТЛИ ҚУТБЛАРИ ҰЗГАРУВЧАН
ЧУЛҒАМНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергетик станциялари, тизимлари.
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Тўйчиев Фурқат Нумонович

Катта нисбатли кутблари ўзгарувчан чулғамни ишлаб чиқиш ва
тадқиқ қилиш 3

Туйчиев Фуркат Нумонович

Разработка и исследование полюсопереключаемой обмотки
на большое соотношение полюсов 21

Tuychiev Furkat Numonovich

Development and research of pole-changing winding for large poles ratio..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎЙЧИЕВ ФУРҚАТ НУМОНОВИЧ

**КАТТА НИСБАТЛИ ҚУТБЛАРИ ЎЗГАРУВЧАН
ЧУЛҒАМНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергетик станциялари, тизимлари.
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т205 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобожанов Махсуд Қаландарович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пирматов Нурали Бердиёрович
техника фанлари доктори, профессор

Арипов Назиржон Мукарамович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат кончилик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc 03/10.12.2019.Т.03.03 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй). Тел.: (99871) 246-46-00, факс.: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел./ факс: (99871) 227-03-41.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2021 йил “___” _____ - рақамли реестр баённомаси).

Қ.Р.Аллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор, академик

О.Х.Ишназаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий қотиби,
техника фанлари доктори, профессор

Т.Ш.Гайибов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда саноатнинг кўп соҳаларида ҳамда омборларда юкларни кўчириш ва ташиш мақсадида юк кўтариш - транспорт машиналари, жумладан кранлар, конвейерлар ва тельферлар кенг қўлланилиб, ушбу механизмларнинг кенг тарқалганлиги ва ўрнатилган қувватлари катталиги ҳамда ишлаш режими мураккаблигини инобатга олиб, уларнинг электр юритмасини такомиллаштириш орқали электр энергияси ва ресурсларни тежаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «...ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва технологик жараёни автоматлаштириш, шунингдек, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда»¹. Бу борада, жумладан юқори инерцион ва юк кўтариш-транспорт механизмларини ишга тушириш жараёнини енгиллаштириш ва аниқ тўхташини таъминлаш имконини берувчи ҳамда энергия ва ресурс тежовчи янги электр юритмаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ростланувчи электр юритмаларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг эксплуатацион тавсифларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, юк кўтариш-транспорт механизмлари электр юритмаси талабларига жавоб берадиган икки тезликли моторлар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланади. Шу билан бирга, икки тезликли электр моторлар учун яхшиланган электромагнит хоссаларга эга ва ишлаб чиқариш технологияси содда бўлган қутблар сони ўзгарувчан чулғам схемасини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Республикамизда электр энергияси ва ресурслардан оқилона фойдаланиш ва исрофларни камайтиришга ёрдам берадиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида, жумладан, «... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ...»² бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда юк кўтариш-транспорт механизмлари электр юритмаси талабларига жавоб берадиган электромагнит хоссалари яхшиланган ва ишлаб чиқариш технологияси содда бўлган қутблар сони ўзгарувчан чулғамли икки тезликда ишловчи моторларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия

¹ <https://www.ceer.eu/documents/104400/-/-/484ca68c-2966-2bfa-f591-0f3a1eaf1f52>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2016 йил 13 июлдаги ПҚ-2559-сон «Электр энергетика соҳасида илмий-техникавий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс-тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан RWTH Aachen University, Siemens AG (Германия), Huazhong University of Science and Technology (Хитой), University Politehnica of Bucharest (Руминия), ASEA (Швеция), Бутунроссия қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, Волга давлат муҳандис-педагогика университети (Россия), Одесса миллий политехника университети (Украина) ва Тошкент давлат техника университетида (Ўзбекистон) икки тезликли моторлар учун қутблар сони ўзгарувчан чулғам схемаларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш бўйича долзарб масалаларни ечишга қаратилган кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кўп тезликли моторларни лойиҳалаш муаммоларини ечиш ва қутблар сони ўзгарувчан чулғам схемаларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилишдаги илмий муаммоларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар, жумладан R.Dahlander, G.H.Rawcliffe, W.Fong, A.W.Broadway, J.F.Eastham, H.Auinger, А.М.Харитонов, А.И.Антоненко, В.И.Попов, В.Н.Ванурин, М.К.Захаров, Л.Я.Беликова ва бошқалар катта ҳисса қўшишган.

Республикамизда кўп тезликли моторлар учун чулғам схемаларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш борасида Х.Ғ.Каримов, Ю.А.Тупогуз М.Қ.Бобожанов ва Д.А.Рисмухамедовлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ҳамда бир қатор ижобий натижаларга эришилган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамадан, олинган қутблар сони ўзгарувчан чулғамларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда қабул қилинган янги стандартга мос статор учун яхшиланган электромагнит хоссаларга эга ва ишлаб чиқариш технологияси содда бўлган қутблар сони катта нисбатли чулғам схемалари ҳали ишлаб чиқилмаган ҳамда уларнинг хоссалари етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда статор пазлари 30 га тенг бўлган магнит ўзак асосида икки тезликли моторлар учун янги қутблар сони ўзгарувчан чулғам схемаси ишлаб чиқилган ва юк кўтариш-транспорт механизмлари электр юритмаси талабларига мувофиқлиги атрофлича кўриб чиқилиб, унинг ечимлари таклиф этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети илмий тадқиқот ишлари режасининг А-3-65 рақамли «Вентилятор типдаги юклама механизмлар юритмасидаги асинхрон моторларни такомиллаштириш ва иш режимларини оптималлаш» (2015-2017) ва ОТ-Атех-2018-357 рақамли «Контактсиз қурилмаларни қўллаш орқали электр таъминоти тизимини ишончлилиги ва энергия самарадорлигини ошириш» (2018-2020) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юк кўтариш-транспорт механизмлари электр моторлари учун қутблари нисбати катта бўлган қутблар сони ўзгарувчан чулғам схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юк кўтариш-транспорт механизмлари юритмасидаги асинхрон моторларни поғонали ишга тушириш учун тезликлар нисбати катта бўлган қутблар сони ўзгарувчан чулғам схемасини ишлаб чиқиш;

тоқ сонли қутбларга ва содда тайёрлаш технологиясига эга чулғамлар схемасини олиш учун дискрет берилган фазовий функциялар усулини такомиллаштириш;

қутблари ўзгарувчан чулғам электромагнит кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун юқори гармоник ташкил этувчилар ва магнит юритувчи куч шаклини тузиш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

асинхрон мотор фазаларида токнинг вақтга боғлиқ равишда ўзгариши магнит юритувчи кучлар шакли ҳамда чулғам гармоник таркибига таъсирини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юк кўтариш-транспорт механизмлари ва конвейерлар юритмасидаги асинхрон моторлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қутблар сони ўзгарувчан чулғамли икки тезликда ишловчи электр моторларнинг электромагнит ва энергетик кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Электр машиналар назарияси, қутблари сони ўзгарувчан чулғамларни шакллантириш усули, чизикли ва матрицали алгебралар назарияси, формализациялашган мантиқ усули, векторли ва гармоник таҳлил усули асосида электр моторлар иш режимининг энергетик ва электромагнит кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларида фойдаланилган ҳолда статик ва механик таснифларини экспериментал тадқиқ қилиш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

асинхрон моторларни поғонали ишга тушириш учун қутблар сони ўзгарувчан чулғам схемаси ишлаб чиқилган;

«юлдуз-жуфт юлдуз» базавий схема асосида тоқ сонли қутбларга эга чулғамлар олиш учун дискрет берилган фазовий функциялар усули такомиллаштирилган;

матрицалар усули асосида кутблари ўзгарувчан чулғам таркибидаги юқори гармоникаларни ҳисоблаш ва магнит юритувчи куч шаклини тузиш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

магнит юритувчи куч шакллари аниқлаш усули фазаларда ток ўзгариши асосида такомиллаштирилган ва чулғам гармоник таркибига вақт ўзгариши таъсир этмаслиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

электр моторлар ҳаво оралиғида турли хил вақт моментларида пайдо бўладиган магнит юритувчи куч шакллари қуриш ва ҳисоблаш учун дастурий маҳсулот яратилган;

икки тезликли моторларда чулғам томондан вужудга келтириладиган юқори гармоникаларини ҳисоблаш учун дастурий маҳсулот яратилган;

энергетик кўрсаткичларини ўрганиш учун кутблар сони ўзгарувчан моторнинг имитацион модели ишлаб чиқилган;

юк кўтариш-транспорт механизмлари юритмасида қўллаш учун янги кутблар сони ўзгарувчан чулғамли икки тезликли моторнинг тажриба нусхаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги икки тезликли моторнинг ҳисобий ва Ansys Maxwell дастурий модули ёрдамида олинган параметрларининг ўзаро мувофиқлиги, шунингдек, назарий ва экспериментал натижаларининг ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юк кўтариш-транспорт механизмлари ва конвейерлар электр юритмасини такомиллаштириш, янги стандартга мос статор пазлари сони 30 га тенг бўлган электр моторлар учун юқори электромагнит параметрлар ва содда тайёрлаш технологиясига эга кутблар сони ўзгарувчан чулғам схемасини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кутблар сони ўзгарувчан чулғамли моторни юк кўтариш-транспорт механизмлари ва конвейер юритмаларида қўллаш, кўчириладиган юкни текис тушириш орқали унинг яхлитлигини таъминлаш ҳамда кам юкланган режимларда электр энергиясини тежаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юк кўтариш-транспорт механизмлари ва конвейерлар электр юритмасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

икки тезликли электр машинаси учун кутблар сони ўзгарувчан чулғам схемасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент олинган (№ IAP 05385, 23.03.2017 й.). Натижада, статор пазлар сони 30 га тенг бўлган магнит ўзак асосида электромагнит кўрсаткичлари яхшиланган ва содда тайёрлаш технологиясига эга кутблар сони ўзгарувчан чулғамли икки тезликда ишловчи мотор яратиш имконини берган;

тельфер электр юритмасида юк кўчириш жараёнини такомиллаштирувчи ва маҳсулот бутунлигини таъминловчи икки тезликли мотор «QARSHI BEST SHOES» МЧЖда жорий қилинган («Ўзсаноатқурилиш-материаллари»

уюшмасининг 2020 йил 26 ноябрдаги 05/15-3693-сонли маълумотномаси). Натижада, корхонанинг юк кўтариш-транспорт механизми ёрдамида кўчирилаётган юкнинг яхлитлигини таъминлаш ҳисобига бир йилда 31,4 млн. сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилган;

лентали конвейер электр юритмаси иш режимини юкламанинг кун давомида ва мавсумий ўзгаришига мослаштирувчи ва электр энергияни тежовчи қутблар сони ўзгарувчан мотор «LAZURITE INVEST GROUP» МЧЖда жорий қилинган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2020 йил 26 ноябрдаги 05/15-3693-сонли маълумотномаси). Натижада, қутблар сони ўзгарувчан асинхрон моторни қўллаш орқали кам юкланган режимда электр энергия истеъмоли 17,5% га камайган ва бир йилда 53 млн. сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика журналларда 8 та, хорижий журналларда 3 та мақолалар чоп этирилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётини устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилинганлиги, диссертация иши мавзуси бўйича тадқиқот натижалари апробацияси ва нашр этилган илмий ишлар тўғрисидаги, шунингдек, диссертация таркиби ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юк кўтариш-транспорт механизмлари электр юритмалари ва қутблар сони ўзгарувчан чулғам олиш усуллари таҳлили**» деб номланган биринчи бобида юк кўтариш-транспорт механизмлари электр юритмасидаги тезлиги ростланмайдиган асинхрон мотор ўрнига тезлиги ростланувчи электр мотордан фойдаланиш зарурлиги асосланган.

Юк кўтариш-транспорт механизмлари учун берилган юкларни аниқ тўхташини таъминлаш масаласи кўриб чиқилган ва талабни бажариш учун қуйи тезлик зарурлиги асослаб берилган. Электр моторлар тезлигини ростлаш бўйича адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, электр юритмаларда тезликни

икки тезликли моторларни қўллаш орқали ростлаш содда, арзон ва ишончли вариант ҳисобланади.

Мавжуд юк кўтариш-транспорт механизмлари электр юритмасидаги икки тезликли моторлар статор пазларида иккита алоҳида чулғамлар жойлаштирилган бўлиб, шу сабабли мотор магнит ўзагидан самарали фойдаланилмайди, ўз ўрнида битта кутблар сони ўзгарувчан чулғамдан (ҚСЎЧ) фойдаланиш эса мотор энергетик кўрсаткичларни яхшилаш, чулғам миси ва изоляцияловчи материалларни тежаш имконини беради.

Икки тезликли моторлар учун кутблари сони ўзгарувчан чулғам схемаларини қуришнинг мавжуд усуллари ва принципларини қўллаган ҳолда, ишлаб чиқилган чулғам схемаларининг аксариятида клеммалар ва узиб-улаш контактлар сони кўплиги, электромагнит хоссалари ёмонлиги ҳамда тайёрлаш технологияси мурракаблиги сабабли амалиётда кенг қўламда қўлланилмайди.

Электр энергияси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш нуқтаи назаридан юк кўтариш-транспорт механизмларининг ишлаш режимларини таҳлил қилиш асосида кутблари нисбати 1:5 бўлган якка чулғамли икки тезликли мотор яратиш ва уни қўллаш орқали мавжуд электр юритма тизимларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «Юк кўтариш-транспорт механизмлари моторлари учун кутблар сони ўзгарувчан чулғам ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобда юк кўтариш-транспорт механизмлари юритмасида қўлланиладиган асинхрон моторлар учун кутблар нисбати 1:5 бўлган ҚСЎЧ схемасини ишлаб чиқишга бағишланган.


Ушбу бобда келтирилган ҚСЎЧ қуриш тартиби дискрет берилган фазовий функция (ДБФФ) кўринишида тақдим этилган иккита оддий чулғамнинг токлар тақсимотини биргаликда кўриб чиқиш принципига асосланади. Турли базавий схемалар (БС) асосида кутблар нисбати катта бўлган ҚСЎЧ схемаларини ишлаб чиқиш ўзига хос бўлиб, масалан «У/УУ» базавий схема бўйича олинган ҚСЎЧдан оғир режимларда ишловчи асинхрон моторларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, юк кўтариш-транспорт механизмларининг юритмасида «У/УУ» схема асосида ҚСЎЧ олишда бирор бир кутбга мос келадиган ДБФФни синтезлаш лозим бўлади.

Мисол тариқасида, статор пазлари сони 30 ва кутблар нисбати 1/5 бўлган ҚСЎЧ схемасини олиш жараёни кўриб чиқилган. Бошланғич чулғам сифатида $p_2=5$ бўлган m -зонали нормал чулғам ва типик чулғам сифатида эса $p_1=1$ бўлган $2m$ -зонали нормал чулғам олинган. Ушбу чулғамларнинг биттадан қатламлари ўзаро бир-бирининг остига ёзилади (1-жадвал).

1-жадвал

2 $p_1=2$ кутбли чулғамни синтезлаш

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	Пазлар
a	a	b	b	c	c	a	a	b	b	c	c	a	a	b	b	c	c	a	a	b	b	c	c	a	a	b	b	c	c	$p_2=5$ бошл.
a	a	a	a	a	<u>c</u>	<u>c</u>	<u>c</u>	<u>c</u>	<u>c</u>	b	b	b	b	b	<u>a</u>	<u>a</u>	<u>a</u>	<u>a</u>	<u>a</u>	c	c	c	c	c	<u>b</u>	<u>b</u>	<u>b</u>	<u>b</u>	<u>b</u>	$p_1=1$ типик
a	a	<u>b</u>	<u>b</u>	<u>c</u>	<u>c</u>	a	a	<u>b</u>	<u>b</u>	c	c	a	a	<u>b</u>	<u>b</u>	c	c	a	a	b	b	c	c	a	a	b	b	<u>c</u>	<u>c</u>	$p_1=1$ син.



1-расм. Кутблари нисбати 1:5 бўлган ҚСЎЧ электр схемаси

(2-расм), чулғам қадами $y=15$ бўлганда $2p_1$ ва $2p_2$ кутб томонда чулғам коэффицентлари мос равишда $k_{чул1}=0,633$ ва $k_{чул2}=0,866$ га тенг (2- ва 3-жадвал).

Синтезланган чулғамнинг ДБФФни олишда типик чулғамнинг ДБФФдан фойдаланиб, бошланғич чулғамни ДБФФни «модуляциялаш» йўли билан олинади. Ушбу жараённинг асосида ҚСЎЧни $2p_1$ кутб томонидаги тоқлар тақсимланиши ва магнит юритувчи куч (МЮК) эгри чизигини типик чулғам тоқлар тақсимланиши ва МЮК эгри чизигига яқинлаштириш принципи ётади. Ўтказгичлар ҳолатини «яқинлаштириш» деган тушунчанинг маъноси, ҳар бир пазда синтезланадиган чулғам ДБФФ ўтказгичи ҳолатини типик чулғам ДБФФ ўтказгичи ҳолатига ва уч фазали тизимда фаза тоқлар векторига боғлиқ ҳолда аниқлашдан иборат.

Олинган ДБФФ бўйича ҚСЎЧ электр схемасини тузиш мумкин (1-расм).


Олинган чулғам ҳар иккала кутб томондан ҳам таъминлаш манбасига нисбатан мутлақо симметрик, ҳар бир фазанинг бир хил номдаги шахобчаларининг ЭЮК векторлари бир-бири билан ўзаро симметрик, яъни амплитуда бўйича тенг ва фаза бўйича $2\pi/3$ эл.рад. бурчакка бурилган

2-жадвал

$p_1=1$ томон учун чулғам маълумотлари						
	«Y/YU» базавий схема шахобчаси					
	A-D	D-0	B-E	E-0	C-F	F-0
A	6,33	6,33	6,33	6,33	6,33	6,33
$k_{чул}$	0,633	0,633	0,633	0,633	0,633	0,633
φ	240	240	120	120	0	0

3-жадвал

$p_2=5$ томон учун чулғам маълумотлари			
	«Y/YU» базавий схема шахобчаси		
	A-0	B-0	C-0
A	17,32	17,32	17,32
$k_{чул}$	0,866	0,866	0,866
φ	30	150	270



2-расм. $p_I=1$ кутб учун паз ЭЮК юлдузи

Диссертациянинг «Қутблар сони ўзгарувчан чулғам электромагнит таркибини таҳлил қилиш» деб номланган учинчи бобида иккала кутб томондан ҳам электромагнит хусусиятлари яхши бўлган чулғам оптимал қадамани аниқлаш учун ҚСЎЧ хоссаларини таҳлил қилишга бағишланган.

Матрица усулидан фойдаланган ҳолда ν -тартибли гармоникага мос келувчи чулғам коэффицентлари аниқланган. Ўзгарувчан ток чулғами ЭЮК матрица усули билан тадқиқ қилишда кўп фазали чулғам ЭЮК векторини k -рақамли фаза ва ν -тартибли гармоникаси учун куйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\dot{E}_{\phi_{k\nu}} = E_{\phi_k} \cdot e^{j\phi_{k\nu}} \quad (1)$$

бу ерда, E_{ϕ_k} -ЭЮК вектор модули; $\phi_{k\nu}$ - $\dot{E}_{\phi_{k\nu}}$ векторни мусбат горизонтал ўққа нисбатан бурилиш бурчаги.

ν -тартибли гармоника учун пазлар ЭЮК бирлик векторларини $[\dot{e}_z]_\nu$ матрицага келтирилса, у куйидаги кўринишда ёзилади:

$$[\dot{e}_z]_\nu = \begin{matrix} 1 \\ \vdots \\ i \\ \vdots \\ z \end{matrix} \begin{bmatrix} \cos \nu 0 & \sin \nu 0 \\ \dots & \dots \\ \cos \nu \gamma & \sin \nu \gamma \\ \dots & \dots \\ \cos \nu (i-1) \gamma & \sin \nu (i-1) \gamma \\ \dots & \dots \\ \cos \nu (z-1) \gamma & \sin \nu (z-1) \gamma \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} 1 \\ j \end{bmatrix} = [\dot{e}'_z]_\nu + j[\dot{e}''_z]_\nu \quad (2)$$

бу ерда, $\dot{e}'_{z\nu} = \cos \nu (i-1) \gamma$ ва $\dot{e}''_{z\nu} = \sin \nu (i-1) \gamma$ - $[\dot{e}'_z]_\nu$ ва $[\dot{e}''_z]_\nu$ матрицанинг i -қатор элементлари, матрицани чап қаторига пазлар рақами ($i = 1 \dots z$) ёзилган.

ν -тартибли гармоникани k -рақамли $E_{\phi_{k\nu}}$ фаза ЭЮКсини ва уни $k_{\text{чул}}$ чулғам коэффицентини куйидагича ёзиш мумкин:

$$\left. \begin{aligned} \dot{E}_{\phi_{k\nu}} &= [C_\phi]_k^T \cdot [\dot{e}_z]_\nu \\ E_{\phi_{k\nu}} &= \sqrt{([C_\phi]_k^T \cdot [\dot{e}'_z]_\nu)^2 + ([C_\phi]_k^T \cdot [\dot{e}''_z]_\nu)^2} \\ \text{tg } \varphi &= ([C_\phi]_k^T \cdot [\dot{e}''_z]_\nu) / ([C_\phi]_k^T \cdot [\dot{e}'_z]_\nu) \\ k_{\text{чул}} &= E_{\phi_{k\nu}} / N_{\text{пк}} \end{aligned} \right\} \quad (3)$$

бу ерда, $[C_\phi]_{T_k}$ – k -рақамли фазани транспонирланган матрицаси, N_{nk} – k -рақамли фазадаги ўтказгичлар сони, ушбу фазанинг $[C_\phi]_k$ матрицасидаги элементлар модуллари йиғиндисига тенг.

4-жадвалда ҚСЎЧ турли тартибли гармоникаларга мос чулғам коэффициентлари қийматларини унинг учта қадами учун ҳисоблаш натижалари келтирилган.

4-жадвал

Чулғам коэффициентлари қийматлари

Z	BC	2p	y	Гармоника рақами																
				1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
30	Y/YU	2	14	0,630	0,021	0,190	0,196	0,755	0,362	0,240	0,183	0,118	0,458	0,176	0,138	0,047	0,134	0,000	0,134	0,047
			15	0,633	0,000	0,200	0,000	0,872	0,000	0,413	0,000	0,200	0,000	0,433	0,000	0,226	0,000	0,200	0,000	0,226
			16	0,630	0,021	0,190	0,196	0,755	0,362	0,240	0,183	0,118	0,458	0,176	0,138	0,047	0,134	0,000	0,134	0,047
		10	14	0,750	0,433	0,000	0,433	0,750	0,000	0,750	0,433	0,000	0,433	0,750	0,000	0,750	0,433	0,000	0,433	0,750
			15	0,866	0,000	0,000	0,000	0,866	0,200	0,436	0,200	0,100	0,200	0,436	0,200	0,436	0,200	0,100	0,200	0,436
			16	0,750	0,433	0,000	0,433	0,750	0,000	0,750	0,433	0,000	0,433	0,750	0,000	0,750	0,433	0,000	0,433	0,750


3-расмда ҳар бир фазанинг МЮК ва натижавий МЮК катталиклари келтирилган бўлиб, кичик поғоналарда ҳар битта гармоника амплитудасининг улуши ҳисобланган. Уч фазали чулғам учун МЮК ифодаси:

$$F_{vm} = \frac{2}{\pi} \int_0^{\pi} \cos \nu x dx = \frac{2}{\pi \nu} (1,5 \sin \nu 6^\circ + 0,5 \sin \nu 30^\circ + 1,5 \sin \nu 42^\circ +$$


$$+ 1,5 \sin \nu 66^\circ + 1,5 \sin \nu 78^\circ + \sin \nu 90^\circ + 1,5 \sin \nu 102^\circ + 1,5 \sin \nu 144^\circ +$$

$$+ 1,5 \sin \nu 138^\circ + 0,5 \sin \nu 150^\circ + 1,5 \sin \nu 178^\circ) \quad (4)$$

Статор пазлари 30 га тенг ва кутблари нисбати 1:5 бўлган, «Y/YU» базавий схемаси асосидаги ҚСЎЧ $2p_1=2$ кутб томони учун чулғам қадами $y=15$ бўлганда МЮК чизмаси таркибида биринчи гармоникадан ташқари 5-, 7-, 11-, 13-, 17-гармоникалар мавжуд бўлиб, уларнинг амплитуда қийматлари умумий гармоникага нисбатан фоиз ҳисобида мос равишда 2,75%, 0,5%, 5,41%, 2,39%, 1,83% ни ташкил этади (4-расм).




3-расм. Уч фазали чулғамнинг $p=1$ томони учун МЮК чизмаси



4-расм. Статор пазлари 30 бўлган чулғам $p_1=1$ томони учун МЮК юқори гармоникалар амплитудалари

МЮК эгри чизиғини турли вақт моментлари учун қуриш, айниқса битта қутб ва фазага тўғри келувчи пазлар сони q катта бўлиб, барча фазалардаги тоқлар оний қиймати вақтга боғлиқ равишда турлича бўлган ҳолат учун етарли даражада мураккаб масала ҳисобланади. Ушбу масаланинг ечимини МЮК кўпбурчагини (Гёргес диаграммаси) қуриш ва уни асосида дифференциал сочилиш коэффицентини аниқлаш орқали анча енгиллаштириш ва соддалаштириш мумкин. $Z=30$, $y=15$ бўлган ва «Y/YУ» базавий схема асосидаги ҚСЎЧнинг Гёргес диаграммасини қуриш (5-расм) МЮК эгри чизиғида юқори гармоникалар таркиб даражасини миқдор жиҳатдан баҳолашга имкон беради.



5-расм. Янги ҚСЎЧ Гёргес диаграммаси:
 а) $2p_1=2$ томон учун, б) $2p_2=10$ томон учун


Статор пазлар сони 30 га тенг ва кутблар нисбати 1:5 бўлган ҚСЎЧ чулғам қадами $y=15$ бўлганда, $2p_1=2$ кутб томони учун дифференциал сочилиш коэффиценти $\sigma_0=1,3\%$, $2p_2=10$ кутб томони учун эса $\sigma_0=9,7\%$. Агар чулғам қадами битта пазга оширилса ёки камайтирилса, σ_0 қиймати ошади (5-жадвал), бу эса гармоник таркиб ёмонлашганидан далолат беради.

5-жадвал

Дифференциал сочилиш коэффиценти

Пазлар сони	БС	Чулғам қадами	$\sigma_0, \%$	
			$2p=2$	$2p=10$
30	Y/YU	14	1,53	21,8
		15	1,3	9,7
		16	1,53	21,8

Гёргес диаграммасини вертикал ўққа проекциялаш орқали турли вақт momenti учун МЮК эгри чизиғини олиш мумкин. 6-расмда $p_2=5$ кутб томон учун Гёргес диаграммаси ва МЮК шаклини турли вақт momentида ўзаро боғлиқлиги келтирилган. Бунда МЮК эгри чизиғининг поғонали шакли ўзгаради, аммо юқори гармоникаларнинг таркиби ўзгармасдан қолади.



6-расм. $p_2=5$ кутб томон учун Гёргес диаграммаси ва МЮК шаклини турли вақт momentида ўзаро боғлиқлиги, $T=1/f$: а) 0 с учун; б) $T/24$ с учун; в) $T/12$ с учун

Шундай қилиб, Гёргес диаграммасидан фойдаланиш орқали исталган вақт momenti учун МЮК эгри чизиғининг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.


ҚСЎЧ электромагнит таркибини таҳлил қилишда ҳисобий маълумотлар бир вақтнинг ўзида иккала кутб учун ҳам чулғамнинг турли қадамларида кўриб чиқилади. Олинган ҳисобий маълумотларни таҳлил қилиш орқали, иккала кутб томони талабларига жавоб берадиган, яъни электромагнит ва технологик кўрсаткичлар нуқтаи назаридан энг яхши бўлган чулғам қадамини аниқлаш керак.

Статор пазлари 30 га тенг ва кутблари 1:5 нисбатли, «Y/YU» базавий схема асосидаги ҚСЎЧ $2p_1=2$ кутб томони учун қадам $y=14$ бўлганда МЮК шаклида (7,а-расм) биринчи гармоникадан ташқари 2-, 5-, 7-, 8-, 10-, 11-, 13-, 14-, 16-, 17-гармоникалар мавжуд бўлиб, уларнинг амплитудаси чулғам

коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда умумий гармоникага нисбатан фоиз ҳисобида 0,05%, 3,07%, 0,15%, 0,98%, 1,62%, 0,66%, 0,05%, 0,29%, 0,27%, 0,02% ни ташкил этади, дифференциал сочилиш коэффициенти эса $\sigma_0=1,53\%$ га тенг.

Чулғам қадами $y=15$ бўлганда биринчи гармоникадан ташқари 5-, 7-, 11-, 13- ва 17-гармоникалар мавжуд бўлиб, уларнинг амплитудаси чулғам коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда умумий гармоникага нисбатан фоиз ҳисобида 3,92%, 0,35%, 3,85%, 0,87%, 0,68% ни ташкил этади, дифференциал сочилиш коэффициенти эса $\sigma_0=1,3\%$ га тенг.

Агар чулғам қадами яна битта пазга узайтирилса ($y=16$), дифференциал сочилиш коэффициенти ва МЮК гармоник таркибининг ташкил этувчилари чулғам қадами $y=14$ бўлгандаги қийматлар билан бир хил бўлади.



7-расм. МЮК гармоник таркиби: а) $p_1=1$ томон учун; б) $p_2=5$ томон учун

$2p_2=10$ кутб томони учун чулғам қадами $y=14$ бўлганда МЮК шаклида (7,б-расм) биринчи гармоникадан ташқари 2-, 5-, 7-, 8-, 10-, 11-, 13-, 14-, 16- ва 17-гармоникалар мавжуд бўлиб, уларнинг амплитудаси чулғам коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда умумий гармоникага нисбатан фоиз ҳисобида 8,98%, 10,78%, 7,67%, 2,26%, 1,81%, 4,91%, 4,16%, 1,3%, 1,1%, 3,16% ни ташкил этади, дифференциал сочилиш коэффициенти эса $\sigma_0=21,8\%$ га тенг.

Чулғам қадами $y=15$ бўлганда катта кутб томонида МЮК шаклида биринчи гармоникадан ташқари 5-, 7-, 11-, 13-, 17-гармоникалар мавжуд бўлиб, уларнинг амплитудаси чулғам коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда умумий гармоникага нисбатан фоиз ҳисобида 14,42%, 5,19%, 3,33%, 2,77%, 2,12% ни ташкил этади, дифференциал сочилиш коэффициенти эса $\sigma_0=9,7\%$ га тенг.

Чулғам қадами $y=16$ га тенг бўлса, дифференциал сочилиш коэффициенти ва МЮК гармоник таркибининг ташкил этувчилари чулғам қадами $y=14$ бўлгандаги қийматлар каби бўлади.

ҚСЎЧ таҳлилидан кўринадики, чулғам қадами $y=15$ бўлганда $2p_1=2$ кутб томони учун юқори гармоник ташкил этувчилар минимал (жуфт гармоникалар

мавжуд эмас) ва мос равишда дифференциал сочилиш коэффициентининг қиймати энг кичик бўлади. Ушбу кадамда $2p_2=10$ кутб томони учун МЮК эгри чизиғида жуфт гармоникалар мавжуд эмас ва биринчи гармониканинг қиймати нисбатан юқори (умумий гармоника амплитудасининг 72,18% ташкил этади), Гергес диаграммасининг шакли айланага яқин ва дифференциал сочилиш коэффициентининг қиймати ҳам минимал ($\sigma_0=9,7\%$).

Юк кўтариш-транспорт механизмлари талабларига кўра, икки тезликли моторда юқори тезлик асосий ҳисобланади ва унда мотор узоқ вақт давомида ишлатилади, иккинчи кичик тезлик эса қисқа муддатда ишлатилади ва юкни жойидан кўзғатиш учун ишга тушириш моменти катта бўлиши кераклигини инобатга олган ҳолда, чулғам учун оптимал кадам сифатида $u=15$ олинди.

Диссертациянинг «**Қутблар сони ўзгарувчан чулғамли икки тезликли асинхрон моторни лойиҳалаш ва экспериментал тадқиқ қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида қутблар сони ўзгарувчан чулғамли асинхрон моторни Ansys Maxwell дастурий модулидан фойдаланган ҳолда имитацион модели ҳамда ҳисоблаш натижалари бўйича тажриба-синов нусхаси ишлаб чиқилиб, статик режимда ўтказилган экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган.


Тадқиқот объекти сифатида қисқа туташган роторли АИР112М2/10 типдаги икки тезликли асинхрон мотор кўриб чиқилган. ҚСЎЧ асосидаги икки тезликли моторнинг имитацион модели Ansys Maxwell RMxprt дастурий модули ёрдамида яратилди. Ушбу имитацион модель тадқиқи шуни кўрсатдики, $p_1=1$ кутб томонда P_2 фойдали қувват қиймати 4 кВт ва ушбу қувватга мос келадиган ф.и.к. ва $\cos\phi$ қиймати мос ҳолда 77,2% ва 0,85 ни ташкил этди, номинал ток 8 А, сирпаниш 2,5% га тенг, $p_2=5$ кутб томонда эса P_2 фойдали қувват қиймати 1 кВт ва ушбу қувватга мос келадиган ф.и.к. ва $\cos\phi$ қиймати мос ҳолда 44,4% ва 0,53 ни ташкил этди, номинал ток 6,4 А, сирпаниш 5,1% га тенг бўлди.

АИР112М2/10 моторни магнит индукциялари қийматлари ҳисоблаш йўли билан, шунингдек уларни таққослаш учун RMxprt воситасидан фойдаланиб аниқланди. 6-жадвалдан кўриш мумкинки, ҳисобий ва RMxprt воситасида олинган қийматлар ўзаро яқин бўлиб, энг катта фарқ $p_2=5$ томон учун статор тишларида 0,09 Тл ни ташкил этади. Ansys Maxwell RMxprt дастурий модули ёрдамида магнит индукцияларининг мотор магнит ўзагида тақсимланиш шакли 2D (икки ўлчамли) режимда тақдим этилган (8-расм).

6-жадвал

Статор ва ротордаги магнит индукция қийматлари


Параметрлар	$p_1=1$		$p_2=5$	
	Ҳисобий қиймат	Maxwell	Ҳисобий қиймат	Maxwell
Статор тишларининг магнит индукцияси, Тл	1,28	1,31	2	2,09
Ротор тишларининг магнит индукцияси, Тл	1,3	1,25	2,05	2
Статор ярмосининг магнит индукцияси, Тл	1,19	1,15	0,38	0,41
Ротор ярмосининг магнит индукцияси, Тл	2	2	0,68	0,75
Ҳаво оралиғидаги магнит индукция, Тл	0,56	0,53	0,9	0,85




8-расм. Индукциянинг тақсимланиш шакли: а) $p_1=1$ учун, б) $p_2=5$ учун

Назарий тадқиқотлар натижалари ишончилигини экспериментал тарзда тасдиқлаш учун АИР112М2/10 мотор асосида кутблар сони ўзгарувчан чулғамли электр мотор лойиҳаланди ва тажриба-синов нусхаси яратилди. Ушбу тажриба нусхаси статик режимда экспериментал тадқиқ қилинди ҳамда ишчи ва механик тавсифлари олинди (9,10,11-расм).

Экспериментал тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, $p_1=1$ кутб томонда P_2 фойдали қувват қиймати 4 кВт ва ушбу қувватга мос келадиган ф.и.к. ва $\cos\varphi$ қиймати мос ҳолда 76% ва 0,86 ни ташкил этади, номинал ток 9,1 А, сирпаниш 2,5 % га тенг, $p_2=5$ кутб томонда эса P_2 фойдали қувват 1 кВт ва ушбу қувватга мос келадиган ф.и.к. ва $\cos\varphi$ қиймати мос ҳолда 44% ва 0,53 ни ташкил этади, номинал ток 6,2 А, сирпанишнинг қиймати 5,1% га тенг.




9-расм. АИР112М2/10 моторнинг $p_1=1$ кутб томони учун ишчи тавсифлари



10-расм. АИР112М2/10 моторнинг $p_2=5$ қутб томони учун ишчи тавсифлари

11-расмда янги икки тезликли АИР112М2/10 моторнинг механик тавсифлари кўрсатилган. Ушбу расмдан кўринадики, механик тавсифлар силлик кўринишга эга, $2p_2=10$ қутб томонидаги ишга тушириш моментининг қиймати 36,3 Нм ташкил этиб, бу қиймат $2p_1=2$ қутб томондаги моментдан (16,9 Нм) катта. Моторнинг ушбу хусусияти оғир ишга тушувчи механизм электр юритмаларида поғонали ишга туширишни амалга ошириш имконини беради.

Юқорида келтирилган назарий ҳисоблашлар, имитацион модел асосида ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, янги турдаги қутблар сони ўзгарувчан чулғамли моторни юк кўтариш-транспорт механизмларида мавжуд бўлган бир тезликли моторлар ўрнига жорий қилиш орқали кам юкланган режими мавжуд ва поғонали ишга туширишни талаб қилувчи электр юритмаларида электр энергияси ва ресурсларни тежаш имконини беради.



11-расм. Янги икки тезликли моторнинг механик тавсифлари

ХУЛОСА

«Катта нисбатли кутблари ўзгарувчан чулғамни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Саноат корхоналарида ишлатилаётган юк кўтариш-транспорт механизмлари электр юритмалари иш режимларини ўрганиш ва шу соҳада адабиётлар таҳлили асосида ушбу электр юритмаларни такомиллаштириш зарурияти асослаб берилди. Натижада кутблари нисбати катта бўлган икки тезликли асинхрон моторларни ягона чулғамли кўринишда ишлаб чиқиш учун яхшиланган электромагнит параметрлари ва содда тайёрлаш технологиясига эга кутблар сони ўзгарувчан чулғамлар ишлаб чиқиш зарурлиги аниқланган.

2. Дискрет берилган фазовий функциялар методини қўллаган ҳолда «Y/YU» схема асосида статор пазлар сони 30 га тенг, кутблари нисбати 1:5 бўлган, тайёрлаш технологияси содда ва электромагнит хусусиятлари яхшиланган кутблар сони ўзгарувчан чулғам ишлаб чиқилди, натижада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент шаклида ҳуқуқий муҳофаза олинган.

3. Ишлаб чиқилган кутблар сони ўзгарувчан чулғам электромагнит хусусиятларини таҳлили шуни кўрсатдики, мавжуд аналогга нисбатан дифференциал сочилиш коэффициенти $p=1$ кутб томонда 1,7% дан 1,3% гача, $p=5$ кутб томонда эса 15,9% дан 9,7% гача ҳамда МЮК эгри чизигида юқори гармоникалар улуши биринчи тезлик томонда 6% га ва иккинчи тезлик томонда 20% га камайган.

4. Янги икки тезликли моторни экспериментал тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, унинг энергетик ва механик кўрсаткичлари юк кўтариш-транспорт механизм талабларига тўлиқ жавоб беради ва мавжуд бир тезликли моторлар ўрнига қўллаш натижасида юкни текис кўчиришни таъминлайди ва кам юкланган режимда иккинчи тезликдан фойдаланиш ҳисобига электр энергиясини тежаш имконини беради.

5. Янги ишлаб чиқилган кутблар сони ўзгарувчан чулғамли икки тезликда ишловчи электр мотордан юк кўтариш транспорт механизмларида фойдаланиш натижасида «QARSHI BEST SHOES» МЧЖ корхонасида кўчирилаётган юкни яхлитлигини таъминлаш ҳисобига 31,4 млн. сўм ва «LAZURITE INVEST GROUP» МЧЖ корхонасида лентали конвейер электр юритмаси иш режимини юкламанинг ўзгаришига мос равишда ростлаш орқали электр энергияни тежаш ҳисобига 53 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК DSc 03/10.12.2019.Т.03.03 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТУЙЧИЕВ ФУРКАТ НУМОНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА И ИССЛЕДОВАНИЕ ПОЛЮСОПЕРЕКЛЮЧАЕМОЙ
ОБМОТКИ НА БОЛЬШОЕ СООТНОШЕНИЕ ПОЛЮСОВ**

**05.05.02 – Электротехника. Электроэнергетические станции, системы.
Электротехнические комплексы и установки**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.2.PhD/T205.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Бобожанов Махсуд Каландарович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Пирматов Нурали Бердиерович
доктор технических наук, профессор

Арипов Назиржон Мукарарович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Навоийский государственный горный институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc. 03/10.12.2019.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете.
(Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер - ____).
(Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.

(протокол рассылки № «__» от «__» _____ 2021 года).

К.Р.Аллаев

Председатель научного совета
по присуждению ученой степени,
доктор технических наук, профессор, академик

О.Х.Ишназаров

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени,
доктор технических наук, профессор.

Т.Ш.Гайибов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёной степени,
доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире во многих отраслях промышленности и на складских помещениях с целью перестановки и транспортировки грузов используются подъемно-транспортные машины, в частности, краны, конвейеры и тельферы. С учетом их широкой распространенности и большой величины установленной мощности, а также сложности режима работы особое значение придается проблемам экономии электроэнергии и ресурсов путем усовершенствования электропривода. В настоящее время в развитых странах мира «... проводятся исследования по изучению вопроса повышения эффективности производства и автоматизации технологического процесса, а также по внедрению новых технологий в производство»¹. В этой сфере особое внимание уделяется, в частности, созданию новых энерго- и ресурсосберегающих электроприводов, позволяющих облегчить процесс пуска и обеспечить точный останов высокоинерционных и подъемно-транспортных механизмов.

В мире ведутся научные исследования по разработке регулируемых и усовершенствованию существующих электроприводов, а также улучшению их эксплуатационных характеристик. В этом направлении, в частности, одной из приоритетных задач является разработка двухскоростных полюсопереключаемых двигателей, отвечающих требованиям электропривода подъемно-транспортных механизмов. Наряду с этим актуальной задачей является разработка для двухскоростных двигателей схем полюсопереключаемой обмотки с улучшенными электромагнитными свойствами и простой технологией изготовления.

В республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по разработке и практическому применению новых технологий, способствующих рациональному использованию электроэнергии и ресурсов, а также снижению их потерь. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи: «...сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, ...»². При реализации этих задач важными считаются разработка и исследование двухскоростного электродвигателя с полюсопереключаемой обмоткой с улучшенными электромагнитными свойствами и упрощенной технологией изготовления, отвечающими требованиям электропривода подъемно-транспортных механизмов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №ПП-2343 от 5 мая 2015

¹ <https://www.ceer.eu/documents/104400/-/-/484ca68c-2966-2bfa-f591-0f3a1eaf1f52>

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

года «О Программе мер по сокращению энергоемкости, внедрению энергосберегающих технологий в отраслях экономики и социальной сфере на 2015-2019 годы», №ПП-2559 от 13 июля 2016 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию научно-технической деятельности в сфере электроэнергетики» и №ПП-3012 от 26 мая 2017 года «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, в RWTH Aachen University, Siemens AG (Германия), Huazhong University of Science and Technology (Китай), University Politehnica of Bucharest (Румыния), ASEA (Швеция), Всероссийском научно-исследовательском институте механизации и электрификации сельского хозяйства, Волжском государственном инженерно-педагогическом университете (Россия), Одесском национальном политехническом университете (Украина) и Ташкентском государственном техническом университете (Узбекистан) ведутся широкомасштабные научно-исследовательские работы, направленные на решение актуальных задач по разработке и исследованию схем полюсопереключаемых обмоток для двухскоростных двигателей.

В решении вопросов проектирования многоскоростных двигателей и научных проблем по разработке и исследованию схем полюсопереключаемых обмоток большой вклад внесли ряд известных зарубежных ученых, таких как R.Dahlander, G.H.Rawcliffe, W.Fong, A.W.Broadway, J.F.Eastham, H.Auinger, А.М.Харитонов, А.И.Антоненко, В.И.Попов, В.Н.Ванурин, М.К.Захаров, Л.Я.Беликова и др.

В Республике научные исследования по разработке и исследованию схем полюсопереключаемых обмоток для двухскоростных машин проводили Х.Г.Каримов, Ю.А.Тупогуз, М.К.Бобожанов и Д.А.Рисмухамедов, которыми достигнут ряд научных результатов.

Несмотря на ощутимые результаты, анализ полученных полюсопереключаемых обмоток показал, что еще не разработаны схемы полюсопереключаемых обмоток на большое соотношение полюсов с улучшенными электромагнитными свойствами и упрощенной технологией изготовления для статоров нового стандарта, принятых в последнее время, а также не изучены в достаточной степени их свойства. В данной диссертационной работе разработана новая схема полюсопереключаемой обмотки для двухскоростных электродвигателей на основе магнитопровода с числом пазов статора равным 30 и подробно рассмотрен вопрос соответствия

к требованиям электропривода подъемно-транспортных механизмов, а также предложены решения задачи.

